



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ
ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси
Қонунининг 11,43 ва 46-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси
ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг 1999 йил 19 декабрда ўтказилган такрорий
овоз бериш натижалари тўғрисидаги баёнлари асосида сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органлари ҳамда сайловчилар ташаббускор
гурuhlари томонидан кўрсатилган қуйидагилар Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олинсин:

Table with 7 columns: №, Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, Ўзлаштирилган йил, Номзод кўрсатган органнинг номи, Эгаллаб турган лавозими (мансубликнинг тури), Иш ва ишанжойи, Сайлов округининг тартиб рақами ва номи. Rows 1-34.

Table with 7 columns: №, Депутатларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, Ўзлаштирилган йил, Номзод кўрсатган органнинг номи, Эгаллаб турган лавозими (мансубликнинг тури), Иш ва ишанжойи, Сайлов округининг тартиб рақами ва номи. Rows 35-65.

Марказий сайлов комиссияси Раиси

Н. КОМИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1999 йил 23 декабр.



ЯНГИ КОРХОНА ИШ
БОШЛАДИ

Душанбе туманидаги «Эл-эрк-нур» хусусий
ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонаси мустақилликнинг 8 йиллиги арафасида ўз фаолиятини
бошлади. Корхона Европа Тараққиёт ва Тикланиш банкидан Ўзбекистон Ташқи иқтисодий
фаолият миқдори банк орқали 520 миң
АҚШ доллар миқдорига олинган кредит ҳисобига Франциядан замонавий асбоб-ускуналар
сотиб олди. Айтиш керакки, бу ерда 10 тоннага
яқин кундабоқар, кунжут, махсар маҳсулотлари қайта ишланмоқда. Ишлаб чиқарилаётган
маҳсулотлар истеъмолчиларга мунтазам
етказиб берилади.
Мазкур хусусий корхонада ҳозир 25 нафар
ишчи хизмат қилмоқда. Корхонада улар учун
барча шарт-шароитлар мавжуд.
СУРАТЛАРДА: корхонада иш қилгани кет-
моқда; ишлаб чиқариш нехи бошланган Раим
Ясаханов ва ишчи Орзул Мусабоев.
Б. ТУРАЕВ (ЎЗА)
олган суратлар.



ҒАЛЛАКОРЛАР
КЕНГАШИБ ОЛИШДИ

Кеча Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакат ғаллакорларининг 1999 йилги иш якунлари ва келгусидаги вазифаларига бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Анжуманда деҳқон-фермер хўжалиқлари раҳбарлари, соҳа мутахассислари, олимлари, туман ва вилоят ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари иштирок этишди. Ингилизи Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазир Бактиёр Олимқонов бошқарди. Ғаллакорларнинг бу йилги эришган меҳнат ютуқлари ва галладаги вазифалари ҳақида қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Собир Муродов мазкур қилди.
Ингилизи сўнггида ишлаб чиқаришда юқори натижаларга эришган бир гуруҳ соҳа илгорларига вазирликнинг қimmatбахо сўналарни топшириди.
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Матбуот хизмати».

УРУҒЛИК ЧИГИТ ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Пойтахт вилоятида келгуси йил пахта ҳосили учун пухта замин яратилмоқда. Бу ерда уруғлик чигитни туксизлантириш, дорилани ва қўйиш ишлари бошлаб юборилди. Пекент пахта тозалаш корхонасида ҳозиргина мақсумди қабул қилиб олинган 38 миң тонна ҳамашининг 7 миң тоннаси қайта ишланди. Уч миң тонна сифатли тола экспорт қилинди. Хўжаликларга етказиб бериш учун эса 350 тонна сифатли уруғлик ҳозирлаб қўйилди.
Айни пайтда вилоят пахта уруғчилиги бошқармаси пахта тозалаш корхоналари билан биргаликда хўжаликлар ҳисобини пухта ўрганмоқда. Ҳисоб-китобларга қараганда, баҳорги экин масуми учун 12 миң тонна чигит талаб қилинади.
Неъмат ДУШАЕВ,
ЎЗА муҳбири.

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2000 ЙИЛГИ ДАВЛАТ СТИПЕНДИАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1993 йил 5 февралдаги «Ўзбекистон Ҳукуми ёшларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармони асосида амалда ошириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25-мартдаги «Ўзбекистон Ҳукуми ёшларини рағбатлантириш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида» 157-сон Қарори билан Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат комитети 3-ўқув йили аспирантлари учун таъсис этилган Ўзбекистон Президентининг Давлат стипендияларини тайинлаш юклатилган.

Бу йилги 7-мартга ўтказилган танловга ЎзР ФА Президиуми, олий ва ўрта махсус, ҳаёқ таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув ҳўже-лиги, аёлия, макроекосидиёт ва статистика вазирликлари, геология ва минерал ресурслар ҳамда жисмоний тарбия ва спорт комитетлари, Почта ва телекоммуникация агентлиги ва ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясидан 52 нафар аспирантнинг ҳуж-жатлари тақдим этилди.

РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЯТИГА МОС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ ШАҚЛАНТИРИШ:

АГРОСАНОАТ МАЖМУАСИ:

ЭНЕРГЕТИКА, РЕСУРСЛАР, САНОАТ:

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВА ЭКОЛОГИЯ:



**ШОДМОНОВА Шоира Саидовна**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Низомиё номидаги Тошкент давлат педагогика университети аспиранти.

1984 йили Бухоро вилояти Гиждувон туманидаги Абдурахмон Жомий номидаги ўрта мактабни «аъло» баҳо-лар билан битирган.

1991 йили Низомиё номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг Навоий филиалини «Педаго-гика ва бошланғич таълим методикаси» мутахассислиги бўйича битирган.

1998 йили Низомиё номидаги Тошкент давлат педагогика университетига «Педаго-гика назарияси ва тарихи» мутахассислиги бўйича аспирантурага кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Онда кичик мак-таб ёшдаги болаларни мил-ли қадриятлар асосида ахлоқий руҳда тарбиялаш».

Илмий раҳбари: Иномова Малика Остонакулович – пе-дагогика фанлари доктори.

Диссертация мавзуси бўйича 5 та илмий мақола ва битта услубий қўлланмаси чоп этилган.



**ПАТУЛЛАЕВА Гавҳар Сақлаббергановна**

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг Ажиниё номидаги Нукус давлат педагогика институти аспиранти.

1992 йили Қонлиқ туманидаги ўрта мактабни «олтин медал» билан битирган.

1997 йили Ажиниё номидаги Нукус давлат педагогика институти «Қорақалпоқ тили ва адабиёти» мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирган.

1994-1997 йилларда Алишер Навоий номидаги давлат сти-пендияси совриндори бўлган.

1998 йили Ажиниё номидаги Нукус давлат педагогика институтига «Миллий тиллар (Қорақалпоқ тили)» мутахассис-лиги бўйича аспирантурага кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Қорақалпоқ тилидаги эътибор маъносининг инфодала-ниш усуллари».

Илмий раҳбари: Бекберганов Айжарик – филология фанла-ри номзоди, профессор.

Диссертация мавзуси бўйича 2 та илмий мақола чоп этилган.



**ХЎЖАБЕКОВ Абдуразок Исматович**

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги ва-зирлигининг Ўзбекистон қиш-лоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Бозор исло-хотлари илмий-тадқиқот инсти-тути аспиранти.

1986 йили Жиззах вилояти Арнасой туманидаги 7-ўрта мактабни битирган.

1993 йили Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини «Савдо ва умумий оқатла-ниш корхоналарида бошқарув ва иқтисодиёт» мутахассисли-ги бўйича битирган.

1997 йили Бозор ислохот-лари илмий-тадқиқот институ-тига «Микроиқтисодиёт» (Аг-росаноат мажмуаси) мутахассис-лиги бўйича аспирантурага кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Ўзбекистон Респу-бликасида қандав давлати етишти-ришни иқтисодий самардор-лигини ошириш йўллари».

Илмий раҳбари: Жўраев Аб-дувоҳид Маматқулович – иқти-сол фанлари доктори, профессор.

Диссертация мавзуси бўйича 5 та илмий мақола чоп этилган.



**АБДУЛЛАЖОНОВА Нодира Гуломжоновна**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Наманган дав-лат университети аспиранти.

1990 йили Наманган вилоя-ти Янгиқўртон туманидаги Ойдин номидаги 44-ўрта мак-табни «олтин медал» билан би-тирган.

1990 йили Наманган давлат педагогика институтига «Физи-ка-кимё» мутахассислиги бўйи-ча сўхбат асосида ўқишга қабул қилиниб, 1995 йили имтиёзли диплом билан битирган.

1997 йили Наманган давлат университети «Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси» мута-хассислиги бўйича аспиранту-рага кирган.

Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Тоғ минтақасида усув-чи ўсимликлардан физиологик фаол моддалар ажратиш».

Илмий раҳбари: Абдуллаев Шавкат Воҳидович – кимё фан-лари доктори, профессор.

Диссертация мавзуси бўйича 5 та илмий мақола чоп этилган.



**ЖАБРИЕВ Жамшед Акбаралиевич**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирли-гининг Самарқанд давлат тиббиёт институти аспиран-ти.

1989 йили Самарқанд шаҳридаги 51-ўрта мактабни «аъло» баҳоларга битирган.

1995 йили Самарқанд дав-лат тиббиёт институтига «Да-волаш иши» мутахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан битирган.

1997 йили Самарқанд дав-лат тиббиёт институтига «Жароҳлик» мутахассислиги бўйича аспирантурага кир-ган.

Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Қуйган яраларни докта шимдирилган метал-локомплекслар ёрдамида да-волаш».

Илмий раҳбари: Туреунов Бахром Саломович – тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими.

Диссертация мавзуси бўйи-ча 13 та илмий мақола чоп этилган ва 4 та тақлифи ама-лиётга жорий этилган.

## ЎЗБЕК КУРАШИ:



Дунёда спортнинг кураш турлари бисёр. Аммо уларнинг орасида ҳалоллик, гузаллик, мардлик тимсоли бўлган ўзбек кураши ўз ўрнига эга. Шу босдан ҳам

## КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

тарихий илдизлари чуқур ботган курашимизни қисқа фурсат ичида етти иқлим тан олди. Ҳозирда Латин Америкаси, Африка халқлари тилида «ёнбош», «чала», «танбех» на шунга ўхшаш ўзбек атамалари баралла янграётганидан фахрланмай буладими, ахир.

Мазкур спорт турини янада оммалаштириш мақсадида мамлакатимизда кураш ойдиги ўтказилатганидан хабарингиз бор. Бугун пойтахтимиздаги Олимпия шон-шўхрати музейида ушбу тадбир дастури доирасида «Ўзбек кураши: кеча, бугун, эртага» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Бу хайрли анжуман Халқаро кураш ассоциацияси, Халқаро кураш академияси, Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси, республика Кураш миллий федерацияси томонидан ташкил этилган.

**Ўз мухбиримиз.**



## «ЙЎЛОВЧИ» ШАКАР

Фаргона вилояти бошқармаси шахсий таркиби шу йилнинг ўн бир ойида республика бюджетига 1 миллиард 294 млн. 436 минг сўм маблағ ўтказди. Бошқарманинг суриштирув бўлими томонидан ҳаракатларида жиноят аломатлари бўлган 55 та ҳолат юза-сидан жиноий ишлар қўзғатилди.

Яқинда бошқарман-нинг Тожикистон Рес-публикаси билан чегара-дош ҳудудда жойлашган 5-сонли «Андархон» божхона пости ҳодимла-ри томонидан Бешарик туманида яшовчи Ҳаби-булла Ашуров уйига То-жикистон фуқаролари томонидан тушириб қўйилган 25 қопдаги, жами 1 тоннадан ортиқ шакарни ўзи бошқару-видаги «Урал» русумли мотоциклда айланма йўллар орқали оз-оздан чегарадан ўтказиб бера-ётганида тўхтатиб қолинди.

Ушбу ҳолат бўйича Жиноят Кодексининг 182-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди, тергов ҳара-катлари олиб борил-моқда.

**Зайлобиддин ЙИГИТАЛИЕВ,** Фаргона вилояти бошқармаси инспектори, божхона хизмати катта лейтенанти.

## ТУМАН ХОКИМЛИГИГА ТОПШИРИЛДИ

Газетанинг шу йил 21 октябр сонидо «Қовоқликка қачон чек қўйилади?» сарлавҳали таҳлилий мақола босилган эди. Унда Қорақалпоғистон Республикасининг Чимбой туманидаги қатор ҳўжалиқларда ишлаб чиқаришни ташкил этишдаги жи-дий камчиликлар очиб ташланган эди.

Мазкур мақола юза-сидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси раисининг ўринбосари жаноб А. Ибрагимовдан жавоб мактуби олинди. Унда айтиладиги, мақолада кўрсатилган фактлар Қишлоқ ва сув ҳўжали-ги вазирлиги томони-дан ўрганилди. Мазкур масала вазирлик ва Чим-бой тумани ҳокимияти-нинг биргаликдаги маж-лисида кўриб чиқилди.

Унда У. Юсупов номли, «Чимбой», «Кенес», «Ба-хытлы», Қ. Аюзов но-ми ҳўжалиқ раҳбарла-рининг ҳисоботлари тинг-ланиб, уларнинг олиб бораётган ишлари қони-қарсиз деб топилди. «Чимбой» ҳўжалигининг раҳбари Ж. Собиров иш-лаб турган лавозимига лойиқ эмас эканлиги таъкидланди. Чимбой тумани ҳокимиятига бу масалани кўриб чиқиш тавсия этилди.

## Кадрлар тайёрлаш, малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш тўғрисидаги фармонларга асосан

## ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

ҳузуридаги Минтақа тил таълими ўқитиш маркази малака ошириш факультети

ҳўжалиқ ҳисоби асосида куйилган йўналишлар бўйича курсларни ташкил қилади:

- 1. Ушбу таълим мактаблари шарқ тиллари ўқитувчиларининг малака ошириш курслари.
- 2. Олий маъзумотли турдош касб мутахассисларининг шарқ тиллари бўйича қайта тайёрлаш курслари.
- 3. Касб берувчи курслар.

Ўқитиш учун ҳақ тўлаш нақд ва пул ўқовиш йўли билан амалга оширилади. Курс якунида тегишли ҳўжат бериллади.

Мурожаат учун манзилгоҳ: Тошкент ш., Лоҳутий к., 25,8-қават, 802-хона, тел: 136-30-69. Has@2392



## ХАЛҚАРО ЯРМАРКА-САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ — «O'ZSANDOMARKAZ»

очик акциядорлик жамияти

Бугун Ўзбекистон халқини кирад келадиган янги 2000 йил муносабати билан чин юракдан муборакбод этади. Қалбига Вафанимиз йили ва обод бўлсин!

Янги йилда ҳар биримиз ўйлаган орзу қилиқларимизга ва янги-янги зафарларга эритайлик.



Қонақдонимизга фойз — барока, қалбимизга покиза йўлларимизни тиллаймиз.

«O'ZSANDOMARKAZ» ОАЖ жамоаси.

**ЎЗ-ТЕКСАКО ҚҚ**  
ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИДАГИ МОТОР МОЙЛАРИ

Ўзбекистон халқини  
**Янги 2000 йил билан**  
ҚУТЛАЙДИ

Тинчланк,  
хотиржаманк, фаровонлик  
ва омад тилайди.

ЭРТАМИЗНИНГ УМИДЛИ ЁШЛАРИ

Қариб табиёт билан юрти шайоғида би- ринчи ташкил этилган ўқув даргоҳидир. Дани- сунда бу ерда ҳаққонининг 2440 нафар ўқи- қизи шифобахш касбнинг сирин асрорини ўра- нипти. Бу борда жи узарга 264 нафар тажри- бали ўқитувчи устозлик қилмоқда.

Қўллар билан кўрнингиз ўзида олиб борила- ды. Талабалар ётқонлар билан таъминлан- ган. Айни чоғда ушбу табиёт билан юрти ўқитувчилари жамоасининг ягона мақсади соғ- мон авлод тарбияси йўлида талабаларга пухта билим беришдир.



СУРАТДА: талабалар (ўғил) Зилола Мак- судова, Вазира Расулова ва Азиза Қўчқорова компьютер хонасида машғулот пайтида. Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Тошкент шаҳрининг Ар- попов кўчасидаги 1-уй фа- қат пойтахтликларгагина эмас, балки республикамиз бошкентига ташриф буюр- ган адабиёт мухлислари учун ҳам аниқ, қадридон. Му- жиннинг театрнинг шундоқ- қингасидаги икки қавати қур- кам бинога не-не улғ инсонлар ташриф буюрма- ган, дейсиз. Бино деворига ўрнатилган тахтачага: «Бу ўйда 1944-1966 йилларда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Фафур Гулом яшаган ва ижод қилган», деб ёзиб қўйилган.

Қадамжо

Михаил Светлов ва Ойбек, Мирзо Турсунзода ва Расул Ҳамзатов, Самад Вургун ва Қора Сейталиевлар бу макса- нинг меҳмони бўлиб, ўз шеър- ларидан ўқиган.

ЭЗГУЛИК ВА МАЪНАВИЯТ МАСКАНИ

Устоз шоирнинг оддий ин- сонлар билан мулоқотда бўлишдаги самимияти, киши- ларни ўзига мафтун эта оли- ши, қўли, қўлтигининг очик- лиги ва илтифотлиги шун- дай бир муҳит яратдики, бу муҳит кишилар қабидан аба- дий урин эгаллаган.

га, яхшиликка ошно этган хонадон ҳамон эзгулик ула- шидек улғу вазифага хиз- мат қилмоқда. Бу ерга ҳар қуни юзлаб ўқувчилар ва та- лабалар ташриф буюради. Адабиёт ўқитувчилари Фа- фур Гулом ҳаёти ва ижоди ҳақидаги дарсларни шу ер- дан бошлайдилар.

— Дадамизнинг 100 йил- лик юбилейини нишонлашга ҳам оз фурсат қоляпти, — дейди адабнинг қизи, уй- музейнинг директори Олмос Аҳмедова. — Ҳокимият биз- га 5 сотих ер ажратди. Бу жойда шоирнинг янги уй- музейини қуриш режалаш- тирилган. Дадамизнинг тўпламларини қайтадан нашр этишимиз керак. Мам- лакатимизда маънавиятга катта эътибор берилмоқда. Юртбошимиз: «Мана шу бугунги ҳаётимизда ва кел- ажақ авлодини ўстиришда Фафур Гуломнинг ижоди, албатта, беҳисс аҳамиятга эга. Унинг ҳиссаси ҳам жува қатта. Шунинг учун менинг тўлагим шундайки, Фафур Гуломнинг ижодини фақат- гина Ўзбекистондагина эмас, авваламбор, ҳар то- монлама бутун дунёга маш- ҳур қилишимиз керак», — деб бежиз айтмайдилар.

Олмос опа стакчилигида- ги музей ҳозирда экспона- тларни кўз қорчилидек асраб, кўлемларини доимо янгилаб, бу ерга ташриф бую- рган меҳмонларга бажонун- ди хизмат кўрсатмоқда. Юз бора эшитганидан, бир бора кўрган афзал. Мусейда ҳаёт қайнамоқда, музей яшамок- да, музей инсонларнинг ташрифига, инсонлар меҳ- рига интиқ.

Абдурахмон ЖўРА, «Халқ сўзи» мухбири.

ТОМОРҚАДА САНО ГИЁҲИ

Табиот илмининг сulto- ни Абу Али ибн Сино ҳас- таларни даволашда сано ги- ёҳига тенг келадигани йўқ, дея эътироз этган. Мазкур шифобахш гиёҳ даққамаси бод, жинг орғин каби қал- салликларни даволашда қўл келади. Айни дамадан юзга чирой бахш этувчи, сезги органларини қучайти- риш, белга қувват бе- рувчи малҳам сифати- да ҳам фойдаланил- ган. Сано қўзини равшанлаштириш, ор- тичқа семирб кетиш- дан сақлашни, сочини қорайтиришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шаҳрхоҳлик биолог Мамадали Беркинов кишилар саломатлигини мус- таҳкамлашда жува ар- зон ва қудай бўлган ана шу гиёҳни ўз ҳовлиси- да парварилаштира.

Мана бир даргоҳ даво

DIQQAT YANGI LIK! «Ўздунробита» қўшма корхонаси, «Ўздунробита» Ўзбекистонда телекоммуникация тармоғини ривожлантириш дастурини бажара бориб, энг замонавий техника ва илғор технология асосида Ангрен шаҳрида уяли телефон станциясини қуриб битказди ва фойдаланишга топширди. Бу станция таъсир зонасига йиғирмага яқин аҳоли пункти киради. Дукент, Облиқ, Гулбоғ, Олдин, Апартак, Янгиқошлоқ ва 40 қақиримгача масофада жойлашган бошқа посёлкалар шулар жумласидандир. Айни пайтда Қамчиқ доволонида станция қурилиши муваффақиятли яқунланмоқда. Бу ўз навбатида Фарғона водийси билан мамлакатимиз пойтахтини боғловчи автомагистрални ишончли алоқа билан таъминлаш имконини беради.



«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компаниясига қарашли МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ жамоаси барча юртдошларни янги - 2000 йил билан муборақбоқ этишдан бахтиёрдир. Биз кириб келадиган янги йил барчаларини учун мунаввар ва ёруғ йил бўлишига, унинг ҳар бир қуни эса ҳалқмализмининг юрағимизда, кўнглимизда абадий муҳрланиб қолажасига беҳад қаттиқ ишонамиз. Чунки, бу ишонччи бизга буюк тарихимиз, ижодкор бугунимиз бағишлалмоқда. Биз мамлакатимиз саноатининг олд қаторида туриб, унинг қудрати ва салоҳиятини янада оширишга ҳисса қўшаётганимиз билан ҳалқ фахрланамиз. Аёиз Ватандошлар! Барчангизни янги йил билан қутлар эканлигиз, бахт, омад ёрингиз, Оллоҳ- мададкорингиз бўлишини тилаймиз. Умоҳим, элу-юртимизни ёмон кўздан асрасин. Озод ва ҳур диёр-Ўзбекистонимизда ашаётган ҳар бир инсон ўз муродига етсин. Янги йил барча оилалар ва инсонлар учун туганмас секин, сўхатлик, шодлик ва бахт келтирсин. Барчангизга ажодларимизга муносиб, ана лизинг йилларга давомдор буюк ишлар қилиш бахти насиб етсин. Оллоҳнинг назари тушган гўзал ва обод Ватанимиз ҳалиша омон бўлсин!

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мақлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мақҳамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ Ташриф хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломо, О. Қаипбергенов (бош муҳар- рир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов. ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001 Буюртма Г — 0999, 23276 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2 Газета IBM компьютерда терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди. Ташрифта ҳажми 5 қоғоздан зияд материал- лар қабул қилинмайди.

• МАНЗИЛИМИЗ: ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орпов. Навбатчи муҳаррир — О. Раҳмонов. Навбатчи — Ф. Сапаев, Мухаммад — А. Сатторов. «Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 23.30. 123456